

Abdullatif A. ALLOQULOV,
Head of the Department at the Imam Maturidi
International Scientific Research Center, PhD.
A.Qadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: alloqulovabdullatif@gmail.com

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2024-1/4

**МОТУРИДИЙЛИК ТАЪЛИМОТИНИНГ
БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ОРҚАЛИ
ХИТОЙГА ТАРҚАЛИШИ**

**SPREAD OF MATURIDIYYA
DOCTRINE TO CHINA THROUGH
THE GREAT SILK ROAD**

**РАСПРОСТРАНЕНИЕ УЧЕНИЯ
МАТУРИДИ В КИТАЕ ПО ВЕЛИКОМУ
ШЕЛКОВОМУ ПУТИ**

КИРИШ

Мустақиллик йилларида ислом динининг мазмун-моҳиятини тўғри талқин қилиш, унинг бунёдкор ва маърифий кучини маънавий ҳаётимизни ривожлантиришга қаратиш, аждодларимизнинг ёзма илмий меросларини тадқиқ этиш долзарб масалалардан бирига айланди. Бундай ўзига хос мафкуравий кураш жараёнида соф ақида ва калом илмлари хулосаларига таяниш ҳамда глобаллашув шароитида бузғунчи ғоялар таъсирида мураккаблашиб, асл мазмун-моҳиятини йўқотаётган имон, усулу-д-дин, тавҳид тушунчаларини ёритиб бериш ўзига хос аҳамиятга эга. Шунингдек, мўътадил таълимот сифатида эътироф этилган мотуридийлик таълимотини ҳудудий тарқалишини хитойлик мусулмонлар мисолида кўриб чиқиш, уларнинг мотуридийлик таълимоти ривожига қўшган ҳиссаларини аниқлаш, хитой фалсафасида қўлланилувчи атама ва ибораларнинг мотуридийлик таълимотига оид хитойча манбаларда учраши сабабларини кўрсатиб бериш замонавий тадқиқотларда ўзига хос аҳамиятга молик ҳисобланади.

Абу Мансур Мотуридий яшаган даврда мусулмонлар орасида турли-туман ақидалар, тушунчалар ёйилиши натижасида, мусулмонлар ўртасида мўътазила, қадарий, мужассима, мушаб-биҳа, карромия каби оқимларнинг таълимоти тарқалиши билан бир қаторда ислом динига ёд бўлган дуализм, атеизм назариялари ҳам ўртага

чиқа бошлади. Ислом дини таълимотига мос келмайдиган йўналишларнинг ғояларини кўрсатиб беришда ўз даврида иёдия ва жузжония мактаблари намоёндалари катта жонбозлик кўрсатдилар. Абу Мансур Мотуридий ана шундай олимлар сарасига киради. Имом Мотуридий нафақат исломий сохта ақидапараст йўналишларга, балки ноисломий турли тоифаларнинг эътиқодига қарши раддиялар, рисоалар ёзиш билан олимлар эътирофига сазовор бўлган.

Мовароуннаҳр заминидан айнаи шу вақтда етишиб чиққан Абу Наср Фаробий, Абу Лайс Самарқандий, Қафқол Шоший, Имом Бухорий, Имом Муслим, Балхий, Имом Байҳақий, Имом Термизий, Имом Марвазий, Имом Насафий, Имом Баздавий ва бошқа олимлар, файласуфлар, тасаввуф аҳллари ва адибларнинг саногини санаб тугатиш мушкул. Уларнинг илм-фаннинг ҳар бир соҳасида қўшган ҳиссалари, албатта, Мовароуннаҳр илмий муҳити шаклланишига бевосита ёки билвосита таъсир қилган (Булқосим Ғолий, 1989:39-40).

АСОСИЙ ҚИСМ

Хитойлик олимлар ҳам ўз даврида ислом фалсафаси ва инсоний тафаккур ривожига салмоқли ҳисса қўшган бўлиб, бу мотуридийлик таълимоти асосларини Хитойда кенг ёйилишига замин яратди. Бу жараён тарихий ипак йўли ёқасида жойлашган ерлик аҳоли билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Хитой давлати қадимий Буюк Ипак йўлининг асос солинишига илк сабабчи сифатида катта роль ўйнаган. Мақолада хитойлик мотуридийлик таълимоти намояндалари ва уларнинг инсоният тафаккури ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида баҳс юритилди. Шунингдек, хитойлик мотуридийлик таълимоти олимларининг «яратиш» ва «борлик» борасидаги қарашлари ҳам тадқиқ этилган.

Ислом дини Хитойга VII асрда кириб келган (Муҳаммад Янг Хуай Жунг, Али Юи Саин Қуий, 1995:48). Кейинги бир неча асрлар давомида ўртаосиёлик, эронлик ва арабистонлик савдогарларнинг тарғиботи натижасида бу ўлканинг турли ҳудудларида ислом дини ёйила бошлади. Хитой аҳолисининг кўплиги ва ўзига хос диний-фалсафий тафаккури, маданий ва сиёсий урф одатлари мавжуд бўлгани сабабли, улар четдан келган номаълум фикрларни қабул қилиб, сингдиришлари жуда қийин кечган.

Шунга қарамай тижорат, савдо-сотик ишлари қўлдан-қўлга, юртдан-юртга ўтиб, ўзи билан янги

Аннотация. Мотуридийлик таълимотиغا Абу Мансур Мотуридий асос солган бўлса, унинг давомчилари, шогирдлари таълимотни дунё бўйича тарқалишига замин яратиб бердилар. Жумладан, Абул Муин Насафий ўзининг «Табсират ал-адилла» асари орқали таълимотни янада тизимлаштириб, уни кейинги авлодга содда, раван тилда етказишига ҳаракат қилган. Натижада, ҳанафий мазҳаби негизида мотуридийлик таълимоти ҳанафий мазҳаби тарқалган барча ҳудудларга тарқалиб, олимлар эътирофига ва мусулмонларнинг диққат-марказига тушди. Мотуридийлик таълимоти ислом динидаги фан тармоқлари билан биргаликда маълум шахслар орқали Хитойга ҳам етиб борди. Натижада, Хитойда ҳам мотуридийлик таълимоти асосланган мактаблар, мадрасалар ташкил қилинди.

Мақолада Хитой жамиятида ривож топган мотуридийлик таълимотининг хусусиятлари, унинг оқимларга қарши кескин раiddиялар билан бойитилгани, таълимот хитойлик мусулмонлар орасида маълум шайхлар орқали тарқатилиши, хитойлик олимларнинг мотуридийлик таълимоти ривожига қўшган ҳиссаси, хитойлик тўрт шайхнинг илмий мероси ва уларда мотуридийлик таълимотининг акс этиши, мотуридийлик таълимотида хитой фалсафасидаги атама ва ибораларнинг қўлланилиши каби мавзулар таҳлил қилинган. Шунингдек, Рухуддин Юсуфнинг «Муробит ал-имон» асарида келтирилган маълумотлар орқали хитойликларнинг мотуридийлик таълимотида бўлганлари асосланган бўлса, олимнинг «Қироат ал-қурро» китоби орқали хитойлик мусулмонлар ислом динини бухоролик олимлар орқали ўрганганлари, уларга барча жабҳада эргашганлари асослаб берилган.

Калим сўзлар: имон, ақида, калом, «Муробит ал-имон», «Қироат ал-қурро», зотий ва феълий сифатлар, таквин, мукаввин, мукавван.

Abstract. Abu Mansur Maturidi founded the school of Maturidiyya, and his successors and disciples created the ground for the spread of the doctrine throughout the world. For example, Abul Muin Nasafi tried to systematize the teaching through his work «Tafsirat al-adilla» and convey it to the next generation in a simple, fluent language. As a result, the teachings of Maturidiyya spread to all the regions where the Hanafi madhhab is spread, and became recognized by scholars and gained the attention of Muslims. The teaching of Maturidiyya also reached China through certain individuals. As a result, schools and madrasahs based on the teachings of Maturidiyya were established in China.

The article describes topics such as the characteristics of the doctrine of Maturidiyya, its enrichment with sharp refutations against misguided sects, its dissemination among Chinese Muslims through certain madrasahs, the contributions of Chinese scholars to the development of the doctrine of Maturidiyya, the scientific heritage of the four Chinese sheikhs and the reflection of the teachings of Maturidiyya in them, the use of terms and expressions from Chinese philosophy in the teaching of Maturidiyya, and adaptation of Chinese philosophy to Islamic teachings were analyzed. It is also proved through the work «Murabit al-Iman» by Ruhuddin Yusuf that the Chinese Muslims followed the doctrine of Maturidiyya. Through the scholar's another book «Qiraat al-Qurra» it was revealed that Chinese Muslims learned Islam through Bukharian scholars and followed them on all fronts.

Keywords: faith, belief, kalam, «Murabit al-Iman», «Qiraat al-Qurra», essential attributes and active attributes, takwin, mukawwin, mukawwan.

Аннотация. Абу Мансур Матуриди основал учение матуридизма, а его преемники и ученики создали почву для распространения учения по всему миру. Например, Абул Муин Насафи через свой труд «Табсират аль-адилья» попытался систематизировать учение и передать его следующему поколению простым и беглым языком. В результате на основе ханафитского мазхаба учение матуридизма распространилось во все регионы распространения ханафитского мазхаба, стало признанием ученых и центром внимания мусульман. Учение матуридизма вместе с ветвями науки исламской религии также достигло Китая через определенных лиц. В результате в Китае были созданы школы и медресе, основанные на обучении матуридизму.

В статье описываются особенности учения матуридизма, сложившегося в китайском обществе, его обогащение резкими опровержениями против течений, а также, распространение учения среди китайских мусульман через отдельных шейхов, вклад китайских ученых в развитие учения матуридизма, анализируется научное наследие четырех китайских шейхов и отражение в нем учения матуридизма, анализируется отражение в учении матуридизма терминов и выражений китайской философии. Также доказано, на основе труда «Мурабит аль-Иман» Рухуддина Юсуфа, что китайцы придерживались учения матуридизма. А книга учёного «Кираат аль-Курра» показывает, что китайские мусульмане изучали ислам через бухарских учёных и следовали им во всех аспектах.

Ключевые слова: вера, убеждение, калам, «Мурабит аль-иман», «Кираат аль-курра», атрибуты сущности и действия, таквин, мукаввин, мукавван.

маданиятлар эшигини очиши табиий жараён ҳисобланади. Бунга қўшимча равишда, мусулмон тижоратчиларнинг юксак, намунавий ахлоқ-одоблари ва хусусан астрономия соҳасидаги илмлари Хитой аҳолиси орасида ислом динини яхши қабул қилинишига замин яратди¹. Бу омиллар Хитой халқи мусулмонларни яхши кўриб қолишига туртки бўлди. Ўша мусулмон савдогарларнинг ахлоқ-одоб масалаларидаги фикрлари, уларнинг аксарият диний қарашлари хитой халқининг тафаккурига мос келар эди. Мусулмонларнинг одоб-ахлоқлари, илмий мавқелари, савдо-сотикдаги муомалалари Хитой халқига ислом динини яқинлаштиришга ва уни атрофга ёйишга йўл берди.

МУҲОКАМА

Дастлаб, ислом дини Хитойда жуда секин, муайян оилалар доирасидагина шаклланиб, тарқалди. У бир муддат мусулмон хонадонларида авлоддан-авлодга ўтиб борадиган, фарзанд отасидан мерос тариқасида ўрганадиган, ташқи таъсири унча катта бўлмаган дин сифатида мавжуд бўлди. Хитойдаги мусулмонлар ўзаро муомалада, таълим-тарбияда араб ва форс тилларидан фойдаланишар эди. Замонлар ўтиши билан бу икки тил Хитойдаги мусулмонларнинг кундалик ҳаётида ўз ўрнини йўқота бошлади. Натижада, масжид имомлари панд-насихатда, диний таълимдагина мазкур икки тилга мурожаат қилиш билан чекланиб қолдилар.

Шу йўсинда, ислом дини хитойлик мусулмон бўлмаган аҳоли орасида тушунарсиз дин сифатида қолишда давом этди. Улар ислом динини миллий урф одатлардан иборат маросимлар ёки одамларни адаштирадиган хурофотлардан иборат, деб ўйлашар эди. Бундан ташқари мусулмонларнинг оммаси орасида соғлом ислом тушунчаларини сақлаб қолиш қийин бўлиб қолган эди. Чунки, мусулмонлар орасида ҳам араб ва форс тилларининг ўрнини маҳаллий хитой тили эгаллаб олган эди. Натижада, мусулмонларда ислом таълимоти ва унинг амалдаги татбиқи ривожланмай, ислом динини тушунишда муаммога, қийинчиликка дуч кела бошланди. Бу жараёни бошқа тоифаларнинг ислом динига бўлган танқидлари янада тезлаштириб юборди.

Мазкур қийинчиликлар, ислом динига нисбатан турли шубҳаларга қарши кўплаб хитойлик мусулмон мутафаккир уламолари оёққа

¹ Хитой императори императорлик расадхонаси фаолиятини юргатишда мусулмон олимларга суянган.

турдилар ва ўша қийинчиликларни, муаммоларни ҳал қилиш масъулиятини ўз зиммаларига олдилар. Шу билан бирга улар ислом динини бошқаларга етказиш билан ҳам машғул бўлдилар. Улар ислом дини таълимотларини инсонларга маҳаллий хитой тилида баён қилиш ва китоб ёзиш билан ёритиб бердилар. Бунда улар Қуръони каримга, ҳадиси шарифларга ва ўзларида мавжуд исломий билимларга, араб ва форс тилларидаги манбаларга таяндилар. Шунингдек, ислом дини билан Хитойдаги мавжуд диний-фалсафий қарашлар орасини яқинлаштириш йўлида баъзи илмий саъй-ҳаракатлар ҳам амалга оширилди. Ушбу уринишлар натижасида Хитой ерларида ислом фалсафаси намоён бўлиб, унинг эътибори тобора юксалди. Натижада Хитойда исломий фалсафа бир неча омиллар таъсирида шаклланиб, ривожланиб борди. Булар қаторига Қуръони карим, ҳадиси шарифлар, ислом фалсафасига бағишланган мусулмон олимларининг асарларини кўрсатиш мумкин. Ислам фалсафаси деганда, калом илми, фалсафа ва тасаввуфий қарашларни тасаввур қилиш керак бўлади.

Хитойлик мусулмон олимлари орасида тўртта машҳур шайх ислом фалсафаси, мотуридийлик таълимоти ва Хитойда кенг тарқалган тўртта² диний таълимотлардан жуда яхши хабардор бўлган эдилар. Улар ислом ақидасини ҳимоя қилишда ва хитойликлар орасида ислом динини кенг ёйишда катта роль ўйнаганлар. Бу олимларнинг асарлари, хизматлари орқали Хитойда ислом фалсафаси пайдо бўлиб, шаклланди. Улар хитой ислом дини таълимотини ривожлантириш билан бир қаторда бошқа диний, фалсафий оқимларнинг камчиликларини, хатоларини кўрсатиб бердилар.

Мазкур шайхлар Шайх Довуд (Ванг Дай Юй), Шайх Солиҳ (Лю Дай Лиан), Шайх Юсуф (Ма Жу), Шайх Рухиддин Юсуф (Ма Фу Чу). Булар Шайх Муҳаммад Абдуллоҳ Илёс (Ху Дионг Жио)³ томонидан асос солинган мадрасада исломий билимларни ўзлаштирганлар. Олим XVI аср охирида «Ди Тан Юй номи билан танилган диний таълим услубини ижод қилган. Юқоридаги

² Бундан ислом дини, христианлик, конфуцийлик ва буддавийлик кўзда тутилган.

³ У 1522 йил туғилган, ёшлигида конфуцийлик китобларини ўқиб, кейин араб ва форс тилларидаги исломий китобларни ўрганган. Олим мазҳабда ҳанафий, таълимотда мотуридий бўлган. Шайх диний таълим соҳасида Ди Тан Юй мадрасаси методикасини бошлаб берган. Олим 1597 йил вафот этган (Хитой Ислам энциклопедияси – Хитой: Қомус ва китоблар босмахонаси (биринчи нашр), 1994. – Б. 223).

олимлар айна шу мадрасадан етишиб чиққанлар. Бу мадрасада исломий манбалар араб ва форс тилларидан бевосита хитой тилига таржима қилиниб олиб борилган. Бундай диний мадрасалар Хитойда ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда. Албатта, у хитой-исломий фалсафаси пойдеворида биринчи ғишт қўйган олим ҳисобланади. Бироқ, ундан бизга бирорта ислом фалсафасига бағишланган китоб етиб келмаган. Шу ўринда хитой ислом фалсафасининг пайдо бўлишига, ривожланишига ҳисса қўшган мазкур тўрт кишининг ҳаёт йўли ва уларнинг фалсафий фикрларини баён қилиш фойдадан холи бўлмайди.

Шайх Довуд (Ванг Дай Юй) – хитойлик мусулмон олимларнинг энг машҳури ҳисобланади. Унинг асл исми Ванг бўлиб, кейинчалик у исмини Довудга ўзгартирган. У 1585 йилда Нанкин шаҳрида, мусулмон оилада дунёга келган. Олим дастлабки таълимни Шайх Абдуллоҳ Илётнинг мадрасасидан етишиб чиққан олим Ма Дюн Шининг қўлида таҳсил олган (Юи Жин Куй, Тия Да Дюн. Ванг Дай, 1999:558).

Олим хитой фалсафаси ва динлари орқали ислом динини баён қилишга ҳаракат қилиб, хитой тилида мустақил рисоалар ва таржима асарлар битишга киришди. У хитойликларга ислом динини яқинроқ, самаралироқ тушунтириш мақсадида хитой фалсафасини ислом динига мос қилишни кўрсатиб беришга ҳаракат қилган. Бироқ, у хитой фалсафаси ва динларидаги камчиликларга кўз юммаган, балки уни ўрни келганда жамиятга тушунтириб, ислом дини борасидаги янглиш тушунчаларни, тасаввурларни тузатган. У бу йўлда оддий халқнинг ислом динига нисбатан нотўғри қарашларини ҳам эътибордан четда қолдирмаган. Олимнинг бизга хитой тилида ёзилган учта энг муҳим асари етиб келган:

«*Халқ диннинг ҳақ шарҳи*». Бу унинг биринчи ёзган китоби бўлиб, олим унда ақида, фикр ва ахлоқ-одоб масалаларини атрофлича ёритиб беришга уринган. Олим асарни ёзишда Қуръони карим, ҳадиси шариф, фикр, калом, тасаввуф, фалсафа манбаларига таянган. У асарда хитой фалсафаси, конфуцийлик таълимотини танқид остига олиб, уларга мансуб шахслар билан бўлиб ўтган баҳс-мунозараларини қоғозга туширган. Китоб ўз соҳасида ягона, услуби ажойиб ва тақдим этилган мавзулари қизиқарли бўлгани учун мусулмон ва мусулмон бўлмаганлар эътиборида катта аҳамият касб этади. Асар илк мартаба 1642 йилда нашр қилинган ва ҳозирги кунгача қайта-қайта нашр қилинмоқда.

«*Буюк исломий маърифат китоби*». Бу китобда фалсафа, калом ва тасаввуф илмларига оид маълумотлар ўз аксини топган. Унда вужуд, коинот ва маърифат назарияси очиқ берилган. Бу китобнинг илк нашри ҳақида ҳеч қандай маълумот сақланиб қолмаган. Бироқ китобнинг ҳозирги кундаги кенг тарқалган нашрига Шайх Ма Фу Сян⁴ бош-қош бўлган.

«*Ҳақни хоҳловчига ҳақ жавоб*». Бу китобда Шайхнинг бошқа дин вакиллари билан мотуридийлик ақидаси, шариат ва бошқа мавзуларда қилган баҳс-мунозаралари, суҳбатлари баён этилган. Олимнинг шогирди Ву Лян Чанг мазкур баҳс-мунозараларни бир жойга жамлаб, китоб ҳолига келтирган. Асар бир неча бор турли нашриётларда чоп этилган. Унинг замонавий таҳқиқи ва нашри Нин Ся шаҳридаги «халқ нашриёти»да нашр қилинган. Бу нашрнинг энг аҳамиятли жиҳати, унда шайхнинг мазкур уч асари бир китобда жамланган.

Нан кин шаҳрида рўй берган сиёсий-инқилоб натижасида Шайх Довуд 1658 йил Пекин шаҳрига қўчиб келган ва ўша йили шу жойда вафот этган. Унинг қабри Пекин шаҳрида жойлашган (Хитой Ислом энциклопедияси, 1994:580).

Хитойда исломий билимларни тарқалишига хизмат қилган учинчи олим Шайх Юсуф (Ма Жу). У 1640 йил Юнан вилоятининг Бушан шаҳрида мусулмон оилада туғилган. Унинг насаби Шамсиддин Умар ибн Маҳмуд Бухорий орқали пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламга етиб боради.

У етти ёшлигида отаси вафот этиб, бобосининг қўлига ўтади, сўнг бобоси вафот этиб онаси қўлида тарбияланади. Шайхнинг онаси ипакчилик, тўқимачилик ва деҳқончилик билан шуғулланган. У ўттиз ёшга кирмай хитой диний-фалсафий китобларни ўқиб ўрганди, кейинчалик араб ва форс тиллари орқали ислом манбаларни таълим олиб, турли соҳаларда етук даражага эришади.

Олим соҳага доир кўплаб асарлар битган, лекин унинг фақатгина «Исломий ҳидоят» номли асари етиб келган холос. Китоб хитой тилида, энциклопедик йўналишида ёзилган. Асарда

⁴ У 1876 йилда Гансу вилоятининг Линсия шаҳрида туғилган. Ҳукумат қўшинлари бошлиқларидан бири бўлган. Кейин Тин Дао шаҳрининг бошлиғи, Нан Хой вилояти раҳбари бўлиб ишлаган. У ислом маданиятини ўрганишни, исломий китобларни, хусусан тўртта машҳур шайхларнинг илмий меросларини нашр қилишни яхши кўрар эди. У 1932 йилда вафот этган. Қаранг: Хитой ислом энциклопедияси. – Ченгдэ: Си Чуан босмаҳонаси (биринчи нашр), 1994. Б. 329.

ислом динининг тарихий, ақидавий, шаръий ва ахлоқий жиҳатлари қиёсий-танқидий услубда холис-объектив услубда баён қилинган. Яна асарда ўша пайтда кенг тарқалган суфийлар орасидаги бидъат-хурофотлар танқид қилинган. Китобнинг муқаддимасида Шайх Довуднинг «*Ҳақ диннинг ҳақ шарҳи*» номли китоби ҳақида сўз юритилиб, юксак эътироф этилган. Шайх Юсуф 1711 йилда вафот этган (Юсуф (Ма Жу), 1988).

Хитойга ислом динининг тарқалишида катта хизмат қилган шайхлардан учинчиси Солиҳ Лю Дай Ляндин. У халқ орасида Лю Жи исми билан машҳур бўлган. Олим 1655 йил Нанкин шаҳрида туғилган. Унинг отаси Лю Сан Ди хитойлик мусулмон уламоларидан бўлган. Олим ёшлигидан отаси қўлида исломий билимларни араб ва форс тилларида ўзлаштирган. Шу билан бир қаторда у хитой, ғарб фалсафий-диний таълимотларини ҳам ўрганган.

Шайх турли соҳаларга оид бир қанча асарлар ёзган, бироқ унинг اللطائف الإسلامية «Исломий ажойиботлар» номли хитой тилидаги китоби халқ орасида машҳур бўлиб кетган⁵. Китобда калом, тасаввуф каби ислом фалсафасига оид масалалар ёритилган. Муаллиф асарда ислом динини илоҳий тўғри дин эканини далиллар орқали ва қолаверса Хитойдаги диний-фалсафий қарашларга қиёслаб, танқидий-таҳлил асосда кўрсатиб беришга ҳаракат қилган. Олим асарни ўтган мусулмон олимларнинг фалсафий, тасаввуфий китобларидан илҳомланиб, ўз даврида қўлма-қўл бўлган Хитой ва Ғарб фалсафий-диний китобларида қўлланилган атама-иборалардан фойдаланган ҳолатда таълиф қилган.

Унинг яна бир машҳур китоби الشريعة الإسلامية «Ислом шариати», деб номланади. Асар хитой тилида, замонавий масалаларнинг шаръий ечимига бағишлаб ёзилган. Китобда шариат ҳукмлари билан Хитойдаги қонунлар қиёсий-таҳлил қилинган. Олим 1745 йилда вафот этган ва Нанкин шаҳрида дафн қилинган (Хитой Ислом энциклопедияси, 1994:352).

Исломий таълимотни хитойликлар орасида кенг ёйилишига хизмат қилган тўртинчи олим Шайх Рухиддин Юсуф (Ма Фу Чу). У 1794 йил Юннан вилоятининг Дали шаҳрида таваллуд топган. Олим ёшлигидан исломий билимларни араб, форс тилларида ўз отасидан ўрганган. У кейинчалик Шайх Илёс томонидан асос солинган мадрасадан етишиб чиққан Шайх Жу Лян Дюнги қўлида таҳсил

олишни давом эттирган. Ўз навбатида у ҳам жуда кўплаб олимларни етиштириб чиқарган. Олим мустақил китоб ёзиш билан бир қаторда айрим китобларни хитой тилига таржима қилиш билан ҳам шуғулланган. У сарф, наҳв, калом, тасаввуф ва фикҳий соҳаларда кўплаб асарларни илмий мерос сифатида қолдирган.

Олимнинг айнан мотуридийлик таълимотига оид ёзган энг муҳим асари الجامع المختصر للمبادئ الأربعة (ал-Жоме ал-мухтасар лил-мабоди ал-арбаъа) – «Тўрт асосни қамраб олувчи мухтасар», деб номланади. Асар хитой тилида ёзилган бўлиб, унда «ақида», «намоз», «ғайбга имон келтириш», «диндаги бидъат ва унинг пайдо бўлиш асослари ҳамда ривожланиш омиллари» каби мавзулар ёритилган. Бундан ташқари олимнинг شرح المراتب الإيمان «Шарҳ ал-муробит ал-иймон» («Имон посбони» шарҳи), محكمه التفصيل بين المحققة والأباطيل «Ҳақ ва ботил орасидаги баёни пухта китоб»), كتاب «Китобу қиссати Одама» (Одам қиссаси китоби) каби араб тилида ёзилган асарлари ҳам мавжуд. Олим 1874 йил вафот этган.

Хитойлик мусулмон олимлар борлиқ ва яратиш назариясига жуда катта ҳисса қўшганлар. Улар бутун ислом дунёси олимларидан نظرية الخلق (Назарият ал-халқ) «яратиш назарияси»ни ўзлаштириб, уни хитой фалсафасидаги «яратиш назарияси» билан қиёсий таҳлил қилиш орқали икки таълимот ўртасидаги мувофиқликни кўрсатиб беришга уринганлар. Улар мазкур таълимотни ривожлантириб, Хитойда бир мактаб яратишга муваффақ бўлганлар.

Хитойлик мотуридийшунос олимларнинг «яратиш» борасидаги нуқтаи назарига кўра, яратиш тушиш, кўтарилиш каби турли мартабаларни ўз ичига қамраб олган доирасимон яратиш сифатида тасвирланади. Яратиш Аллоҳ таолодан бошланиб, малакут олаmidан ўтиб мулк оламида ниҳояланади.

Уларнинг таъбирига кўра, Аллоҳ таоло бўлган, бироқ У билан бирга ҳеч нарса бўлмаган. У ибтидосиз аввалдир. Махлуқотларнинг бошланғич нуқтаси Аллоҳ таолодир, яъни махлуқотлар Аллоҳ таолонинг яратиши билан бошлангандир. Хитой мусулмон олимлари Аллоҳ таолонинг ибтидосиз аввал эканини وجود حقيقي مطلق (Вужуд ҳақиқий мутлақ) «Ҳақиқий мутлақ вужуд», деб ифодалайдилар. Хитойлик мусулмон олимлар Аллоҳ таолонинг зоти, исми ва сифатларини тўрт мартабада изоҳлаб беришга уринганлар. Уларнинг ушбу назарияси замирида хитой фалсафаси билан қоришиш ҳолати яққол кўриниб турсада, бироқ

⁵ Бу китобни шайх Ма Лин Юн хитой тилидан араб тилига ўгириб, унга «Шарҳ ал-латоиф» (Латоиф китоби шарҳи) номли шарҳ ёзган.

улар хитойликларга ислом динини яқиндан тушунтириш мақсадида, хитой фалсафасидаги атама ва иборалардан кенг фойдаланишга ҳаракат қилганлар.

НАТИЖА

Шайх Рухуддин Юсуф томонидан ёзилган ва 40112 рақам⁶ остида сақланаётган *مراط الإيمان* «Муробит ал-имон» (Имон посбони) номли асарда имонга шундай таъриф берилган: «Имоннинг ҳақиқати – Аллоҳ таоло томонидан Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам орқали келтирилган ҳукмларни тасдиқлаб, уларга иқрор бўлишдир. Имоннинг шарти – далиллар орқали асосланган ёки ижмо орқали маълум бўлган куфрдан қалбни поклашдир...» (Шайх Рухиддин Юсуф, қўлёзма №40112:2⁶). Бу ердаги имонга берилган таъриф мотуридийлик таълимотига тўлиқ мос тушишига амин бўлишингиз мумкин, чунки мотуридийлик таълимотида ҳам имон – қалб тасдиғи ва тил иқроридан иборатдир.

«Муробит ал-имон» китобининг бошқа ўрнида Аллоҳ таолонинг зотий сифатлари хусусида қуйидагилар келтирилган: «Воҳид (ягона), ҳайй (тирик), алийм (билувчи), самиъ (эшитувчи), басир (кўрувчи), мурид (ирода қилувчи), қадир, мухтор (ихтиёр қилувчи), мутакаллим (сўзловчи), мукаввин (бор қилувчи)» каби сифатлар азалий, Аллоҳ таолонинг зотида мавжуд сифатлардир» (Шайх Рухиддин Юсуф, қўлёзма №40112:3⁶). Бу ерда «таквин» сифатини қадимий, азалий сифатлар сирасига қўшилганини кўриш мумкин. Айни бу масалада фақат мотуридийлар «таквин» сифатини қадимий, зотий сифатлар сирасига қўшадилар. Демак, бу хитойлик мусулмонларни мотуридийлик таълимотида бўлганларини асослайди. Яна «Муробит ал-имон» китобининг 3⁶ бетида қуйидагилар ёзилган: «Зотий сифатлар вужудда зотнинг айни ўзи, маънода эса зотдан бошқадир». Бу ибора ҳам хитойлик мусулмонларни мотуридийлик таълимотида бўлганини исботлайди.

Мазкур китобнинг охирида очиқ-ойдин иборалар билан бундай дейилган: «Имон, ислом битта нарсадир. Мавлоимиз Абу Ҳанифа разиял-

лоҳу анҳу наздида имон зиёда ҳам, нуқсонли ҳам бўлмайди». Бу хитойлик мусулмонлар борасида ўртага ташланган масалани янада ойдинлаштиради. Демак, хитойлик мусулмонлар ҳанафий-мотуридийлик таълимотида фаолият олиб борганлар ва жамиятга мўътадил таълимотни етказиш мақсадида араб, хитой тилларида илмий ижод қилганлар.

Хитойлик мусулмонлар исломий таълимотни Бухородан олганларини кўрсатиб берувчи яна бир жумла Шайх Рухуддин Юсуфнинг «Кироат ал-курро» асарида келганини кўришимиз мумкин. Жумладан, унда шундай дейилган: «Хитой минтақасининг кироати Бухоро кироатига эргашади. Бухороликлар Осимнинг шогирди Ҳафс кироатидадирлар. Бу кироат бухоролик имомлар ихтиёр этган кироатдир» (Шайх Рухиддин Юсуф, қўлёзма №40109:3^а).

ХУЛОСА

Мотуридийлик таълимоти Буюк Ипак йўли орқали ва мўғуллар босқинидан сўнг Хитойга кириб борди. Бунда турли қатлам вакиллари фаол ҳаракат қилишди. Жумладан, Хитойда ислом дини таълимотини кириб келишида савдогарлар, мўғуллар босқини натижасида қочиб кетган шахслар ўзига хос роль ўйнадилар. Шунингдек, маҳаллий аҳолини ислом динига қизиқтириш мақсадида хитой фалсафасидан ҳам кенг фойдаланилди. Бундан ташқари, борлиқ, яратиш, Худо тушунчалари борасидаги хитой фалсафасидаги атама ва ибораларидан фойдаланилган ҳолатда ислом дини хитойликларга тушунарли бўлиши таъминланди.

Хитойликлар орасида мотуридийлик таълимотини кенг ёйилишида жуда қўплаб олимлар катта роль ўйнаганлар. Бироқ, улар орасида мақолада исми зикр этилган тўртта шайхнинг фаолияти ўзига хос аҳамиятга моликдир. Рухуддин Юсуфнинг асарларига эътибор берилса, уларда исломий ахлоқ-одоб орқали хитойликларга таъсир қилингани ҳам сезилиб туради. Бундан ташқари Рухуддин Юсуф хитойликлар томонидан бузиб ўқилган ёки ёзилган Қуръони карим оятларини тўғрилаш йўлида катта ишлар қилгани, у томонидан ёзилган асарлар орқали ўрганилди.

Умуман олиб қараганда, хитойлик мусулмонлар исломий фанларни, исломий таълимотнинг барчасини мовароуннаҳрлик олимлар воситасида шакллантириб, оилалар, мадрасалар орқали халққа ўргатишгани маълум бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш лозимки, хитойлик мусулмонларнинг фаолияти бугунги кунда

⁶ Бу асар «*المنهج الحنفى الماتريدي*» (ал-Манҳажул ҳанафий алмотуридий) номли телеграм ботидан кўчириб олинган. Мазкур асарни қайси қўлёзма фондда сақланиши борасида бирорта маълумот учратилмади. Шунинг учун китобнинг муқовасида ёзилган қўлёзманинг инвентар рақамини келтириш билан чекланилди.

ўрганилиши керак бўлган энг долзарб мавзу ҳисобланади. Зеро, XVIII асрда Хитойда Рухуддин Юсуф томонидан араб тилида исломий фанларга бағишланган асарларнинг битилиши тадқиқотчиларни айти шу мавзуда кўплаб илмий ишлар юритишга ундайди.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Булқосим Ғолий. (1989). Абу Мансур Матуридий: ҳаётуху ва ароуху ал-ақадия (Абу Мансур Матуридий, ҳаёти ва ақидавий қарашлари). – Тунис: Дору ат-туркий нашриёти.
2. Захротуд дин. (1996). Жухуду улама ас-сийн ал-муслимийн фи муқаранатил адян. Исломобод халқаро ислом университети «усулуд дин» факультети магистранти дисс.
3. Муҳаммад Янг Ҳуай Жунг, Али Юи Саин Қуй. (1995). Ал-Ислам ва ас-сақофа ал-исламия (Ислом ва исломий маданият). Хитой: «Нишия» миллий босмаҳонаси (биринчи нашр).
4. Хитой Ислом энциклопедияси. (1994). Хитой: Қомус ва китоблар босмаҳонаси (биринчи нашр).
5. Шайх Рухиддин Юсуф. Қироатул қурро. № 40109.
6. Шайх Рухиддин Юсуф. Муробитул имон. № 40112.
7. Юи Жин Қуй, Тия Да Дюн. (1999). Ванг Дай Юййучта таржима асарлари топлами. Хитой: Дор ат-тибоъа аш-шаъбия.
8. Юсуф (Ма Жу). (1988). Исломий ҳидоят. Хитой: Нин Шия нашриёти.

REFERENCES

1. Bulqasim Ghali. (1989). Abu Mansur Maturidi: hayotuhu wa arauhu al-aqdiya. – Tunis: Dar at-turki.
2. Zahratud-din. (1996). Juhud ulama as-Siyn al-muslimiyn fi muqaranatil-adyan. Master's thesis, Islamabad International Islamic University.
3. Muhammad Yang Huay Jung, Ali Yui Sain Quiy. (1995). Al-Islam wa ath-thaqafa al-islamiya. China: «Nishiya» publishing house (first edition).
4. Islamic Encyclopedia of Chine. (1994). China: Encyclopedia and books publishing (first edition).
5. Shaykh Ruhuddin Yusuf. Qiraatul-qurra. No. 40109.
6. Shaykh Ruhuddin Yusuf. Murabitul-iman. No. 40112.
7. Yui Jin Quy, Tiya Da Dyun. (1999). Vang Day Yuiyuchta collection. Xitoy: Dar at-tiba'a ash-sha'biya.
8. Yusuf (Ma Ju). (1988). Islamic guidance. China: Nin Shiya publishing house.

